

Нақшбандия тариқатидаги уч йўл (Иккинчи омил)



20:07 / 14.11.2018 2211

Муроқаб

«Муроқаб» зийраклик билан қаттиқ кузатиб боришдир. Нафси билан шартлашган банд уни муроқаб қилиб туриши лозим. Нафсни зинҳор муроқабасиз, ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Нафс муроқабасиз қолиши билан йўлдан тояди ва туғёнга кетади. Муроқабани тушуниб етишда ва уни йўлга қўйишда Қуръони карим оятлари, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари бош омил бўлади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

رَقِيبًا عَلَيْكُمْ كَانَ اللَّهُ إِنَّ

«Албатта, Аллоҳ устингиздан кузатиб турувчидир» (1-оят).

Инсонларни яратган, ҳар бир нарсани билувчи ва кўрувчи Зотнинг Ўзи кузатиб туриши нақадар таъсирчан, нақадар масъулиятли ҳолдир.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида марҳамат қилади:

كَسَبَتْ بِمَا نَفْسِ كُلِّ عَلِيٍّ قَائِمٌ هُوَ أَفَمَنْ

«Ҳар бир жоннинг қилган касби устида турувчи Зот ким?» (33-оят).

Яъни ҳар бир жоннинг нима қилаётганини билиб, кўриб, кузатиб, ҳисобга олиб турувчи ким? Албатта, Аллоҳ аzza ва жалла. Бу ҳақиқатни идрок қилган ҳар бир жон ўзини ўнглаб олиши керак.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эҳсон ҳақида сўралганида, «Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг», дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилишган.

Шундан келиб чиқиб, мусулмон одам ҳар лаҳзада Аллоҳ таоло уни кўриб тургандек ихлос билан яшамоғи, У Зотнинг розилигини олишга ҳаракат қилмоғи керак. Агар бу олий мақомга эришишга ожизлик қилса, ҳар лаҳзасини Аллоҳ таоло мени кўриб турибди, деган эътиқод билан ўтказиб, ўшанга яраша амал қилмоғи лозим. Шундагина эҳсоннинг қуйи даражасига эришади.

Банда ўзининг ҳар бир ҳолатида Аллоҳ таолонинг кўриб турганини ҳис этиб, яхши амалларни қилса ва ўзини одоб доирасида тутса, мувожабага амал қилган бўлади. Мисол учун, ўтирганда, ухлаганда ёки қазои ҳолатга борганда ният билан ислоний одобларга риоя қилса, мувожабага амал қилган бўлади.

Банданинг тоатда тургандаги мувоқабаси ихлос қилиш, тоатни мукамал ва гўзал тарзда адо этиш ила бўлади.

Маъсиятда тургандаги мувоқабаси тавба қилиш, надомат чекиш, маъсиятдан ажраб чиқиш, уялиш ва мазкур маъсиятга қайтмасликка азму қарор қилиш ила юзага келади.

Банданинг мувоқабаси мувоқабаси одобга риоя қилиш, неъмат берувчининг фазлини тан олиш ва неъматга шукр қилиш ила пайдо бўлади.

Киши ўзининг барча ҳолатларида ҳам сабр қилиш лозим бўлган синовдан ёки шукр қилиш лозим бўлган неъматдан холи бўлмайди.

Булар ҳам мувоқабаси ҳисобланади. Балки банди ўзининг барча ҳолатида адо этиш лозим бўлган фарз амаллардан, тарк этиш лозим бўлган тақиқлардан, Аллоҳ таолонинг мағфиратига тезроқ етишга ва бошқа бандалар билан мусобақаланишга чақирилган мандуб амаллардан, банданинг жисмига ва қалбига фойда, тоатига ёрдам бор бўлган мувоқабаси амаллардан ажрамаган ҳолда бўлади.

Бу нарсаларнинг барчасининг ўз чегараси бор. Давомли мувоқабаси ила уларнинг риоясини қилиб туриш керак.

Аллоҳ таоло Талоқ сурасида марҳамат қилади:

نَفْسَهُ ظَلَمَ فَقَدْ أَلَّهِ حُدُودَ يَتَعَدَّوْ مِنْ

«Ким Аллоҳнинг чегараларидан чиқса, ҳақиқатан, ўзига ўзи зулм қилибди», (1-оят).

Банда ушбу нарсаларда доимий равишда ўзини ўзи кузатиб туриши лозим. Агар фарзларни адо қилиб бўлса ва фазилатли ишларга қудрати етса, энг афзал амални танлаб адо этсин.

Ким имкони бўлиб туриб ортиқча фойдани ўтказиб юборса, ғурурга кетган бўлади. Фойдалар эса фазилатларни жамлаш ила кўпаяди.

“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан